

---

## Марғилон шаҳрида 150 ўринли "HAPPY BABY" номли ДХШ асосидаги нодавлат МТТ ташкил этилди

Мазкур нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилиши муносабати билан шаҳардаги Аёллар ҳамда темир дафтарига киритилган 25 нафар хотин-қизлар бандлиги таъминланиб, 150 нафар болажонларга сифатли таълим-тарбия олиши учун имконият яратилди.

1-сектор ҳудудидаги Увайсий маҳалла фуқаролар йиғинида хусусий тадбиркор Дилшоджон Раҳмонов ташаббуси билан ташкил этилган Давлат-хусусий шерикчилик шаклидаги ушбу таълим ташкилотининг очилиш маросимида шаҳар ҳокими, сектор раҳбарлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дониёр Ғаниев, вилоят Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Юлдузхон Ходжаева, шаҳар Мактабгача таълим бўлими мудирини Х. Қурбанова ҳамда бир гуруҳ нуронийлар иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олган шаҳар ҳокими ва меҳмонлар мазкур ташкилотда болажонларга ўз она тилларидан ташқари рус ва инглиз тиллари ҳам чуқурлаштирилган тартибда ўргатилишини алоҳида эътироф этиб ўтдилар.

Маросим давомида болажонлар ижросидаги куй ва қўшиқлар жаранги йиғилганларга кўнгилга хушнудлик улашди.

2021-04-24 17:31:48